
ДАНҒАРА ТУМАНИДА “ҲАР БИР ЁШГА БИР ГЕКТАР” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА 27 НАФАР ЁШЛАРГА ЭКИН МАЙДОНЛАРИ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан берилган топшириклар жросини таъминлаш мақсадида Данғара туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг “Ҳар бир ёшга - бир гектар” ташаббуси доирасида қишлоқ хўжалиги йўналишида ишлаш истаги бор ёшларга қулай экин майдонлари ажратиб бериш, уларга агротехник тадбирларни амалга ошириш ишларига кўмаклашиш - тумандаги юзлаб ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омилга айланди.

Ушбу ташаббус давоми сифатида бугун ҳам Данғара тумани ҳокими Ш.Тожихакимов, сектор раҳбарлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигига “Ёшлар дафтари”га киритилган, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш истагида бўлган 27 нафар ишсиз ёшларнинг ҳар бирига “Олтиқўш замини” фермер хўжалигидан 20 сотиҳдан, жами 5,5 гектар экин майдони ажратиб берилди.

Шу ернинг ўзида ёшларга мутахассислар томонидан эртанги экинлар турлари, уларни экиш ва парваришлаш агротехникаси тушунтириб берилди.

Ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган бундай ташаббуслар туманнинг қолган ҳудудларида ҳам давом этади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-02-04 15:56:21